

## ОИВ ИНФЕКЦИЯСИГА МАЖБУРИЙ ТИББИЙ ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Рўзиев Иззатулло Неъматуллоевич**

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси**

**Олий таълимдан кейинги таълим факультети**

**таянч докторантура докторанти**

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.16964618>**

Дунёда таносил ёки ОИВ инфекциясининг тарқалиши глобал ҳодиса бўлиб, у кўп томондан барча мамлакатларга таъсир қилиб, ҳаётнинг турли жабҳаларида ўзининг жиддий таъсирини кўрсатмоқда. Бу эса ушбу касалликларнинг тарқалишига қарши курашиш ҳамда касалликка чалинган шахсларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш заруратини тақозо этмоқда.

Таносил ёки ОИВ инфекциясининг глобал миқёсда тарқалиши жаҳон ҳамжамияти учун долзарб эпидемиологик ва ижтимоий-ҳуқуқий муаммо сифатида намоён бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу ҳолат мазкур касалликларнинг тарқалишини бартараф этиш ҳамда уларга чалинган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан уйғунлаштириш заруриятини тақозо этмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ОИВ эпидемияси авж олган даврдан буён жаҳон миқёсида 91,4 миллион нафар шахс мазкур инфекцияга чалинган бўлиб, уларнинг 44,1 миллиондан ортиқ қисми ушбу касаллик оқибатида ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирги кунда дунёда 41 миллионга яқин бемор ОИВ инфекцияси билан яшамоқда, йиллик янги юқиш ҳолатлари ўртача 1,3 миллион нафарни ташкил этади. Эпидемиологик таҳлиллар шуни кўрсатадики, мазкур инфекция ҳар йили 630 мингдан зиёд шахснинг ҳаётига зомин бўлмоқда<sup>1</sup>. Бу ҳолат ОИВ инфекциясининг глобал даражадаги салбий ижтимоий-демографик ва ҳуқуқий оқибатларини бартараф этиш учун самарали ҳуқуқий-ташкилий чораларни жорий этиш зарурлигини тақозо этади.

Сўнгги йилларда глобализация жараёнлари ва иқтисодий омиллар таъсирида меҳнат миграцияси ҳажми сезиларли даражада ортмоқда. Хусусан, хорижий мамлакатларда вақтинча меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, кейинчалик Ўзбекистон Республикасига қайтаётган фуқаролар сони йил сайин кўпаймоқда. Шу билан бирга, республика ҳудудига турли тижорат, меҳнат ва хизмат кўрсатиш мақсадларида кириб келаётган хорижий фуқаролар оқими ҳам ортиб бормоқда. Ушбу тоифадаги шахсларнинг айримлари орасида ихтиёрий ўтказилган текширув натижаларига кўра уларда инсон учун хавфли бўлган ОИВ инфекциясининг мавжудлигини кўрсатган.

Хусусан, 2024 йилда 5,1 миллион нафардан ортиқ фуқаролар ОИВ инфекциясига қарши текширилган, шундан узоқ муддат чет элда бўлиб қайтган 1,7 миллион нафар фуқароларнинг фақатгина 434 минг нафари (25 %) ихтиёрий равишда ОИВ/ОИТСга текширилганда бўлардан 1512 нафарида ушбу касаллик аниқланган. Шунингдек, 2024 йилда 12,7 минг нафардан ортиқ чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар

<sup>1</sup> Global HIV & AIDS statistics — Fact sheet. Электрон манба. URL: <https://www.unaids.org/en/resources/fact-sheet>

ихтиёрий равишда ОИВ/ОИТС инфекциясига текширилган бўлиб, уларнинг 81 нафариди касаллик аниқланган бу ўтган йилга нисбатан 28,3 фоизга кўпайган<sup>2</sup>.

Айрим хорижий давлатлар қонунчилигида мамлакат фуқаролари ҳамда ушбу давлат ҳудудида доимий ёки вақтинчалик яшаш, шунингдек, меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида келган чет эл фуқароларининг ОИВ инфекциясига мажбурий тарзда тиббий кўрикдан ўтиш тартиби белгиланган. Жумладан:

**Малайзия** давлати қонунчилигига кўра, Малайзияда таълим олиш учун келган чет эллик талабалар, 90 кундан ортиқ муддатга яшаш учун ёки меҳнат қилиш мақсадида келган фуқароларнинг мажбурий равишда ОИВ тестини топшириш белгиланган<sup>3</sup>;

**Саудия Арабистонида** 90 кундан ортиқ муддатда чет элда бўлиб қайтган фуқаролар мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилиши шарт этиб белгиланган. Шунингдек, 90 кундан ортиқ муддатга яшаш ва ишлаш учун келган чет эл фуқаролари ОИВга мажбурий текширувдан ўтиши белгиланган<sup>4</sup>;

**Бирлашган Араб Амирликларида** 3 ой ва ундан кўпроқ хорижда бўлган меҳнат мигрантлари ва чет элдан қайтган фуқаролари учун ОИВга тиббий текширувдан ўтиш талаб этилади. Шунингдек, 3 ойдан ортиқ муддатга ишлаш ва яшаш учун рухсатнома олганлар ёки рухсатномани узайтirmoқчи бўлган чет эл фуқаролари ОИВга тест топширишлари мажбурий ҳисобланади. Бирлашган Араб Амирликларида чет элда берилган ОИВ тестнинг натижаларини тан олинмайди ОИВга тестни қайта топширишлари шарт<sup>5</sup>;

**Мисра** 3 ойдан ортиқ муддатда чет элда бўлган давлат хизматчилари мамлакатга қайтгандан сўнг мажбурий тиббий текширувлар белгиланган бўлиб, бунда ОИВга тест топшириши ҳам назарда тутилган<sup>6</sup>;

**Австралияда** ҳам узоқ муддатда, яъни 90 кундан ортиқ чет элда бўлган фуқаролар учун тиббий текширувлардан ўтишлари шарт этиб белгиланган, айниқса ОИВ инфекцияси текширувига қатъий қаралади<sup>7</sup>.

Таҳлил қилинган хорижий давлатлар қонунчилик ва амалий тажрибасида, уч ойгача ва ундан узоқ муддат чет элда бўлиш тушунчаси, одатда, 3 ойгача ва ундан ортиқ бўлган давр белгиланган.

Шу билан бирга, мажбурий тиббий кўриклар асосан ОИВ/ОИТС ҳамда бошқа юқумли касалликларни аниқлашга қаратилган бўлиб, мазкур тартиб давлатнинг аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги профилактик чоралар тизимининг муҳим элементи сифатида қаралади.

Ўрганиб чиқилган давлатлар тажрибасида узоқ муддат чет элда бўлиш деганда 3 ой оралиғидаги муддат белгиланган бўлиб, мажбурий текширувлар асосан ОИВ/ОИТС ва бошқа юқумли касалликларга қаратилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш марказининг статистик маълумотномаси.

<sup>3</sup> Электрон манба. URL: <https://www.positivedestinations.info/country-database/country/malaysia>

<sup>4</sup> Электрон манба. URL: <https://www.positivedestinations.info/country-database/country/saudi-arabia>.

<sup>5</sup> Электрон манба. URL: <https://www.positivedestinations.info/country-database/country/united-arab-emirates>.

<sup>6</sup> Электрон манба. URL: [chrome-extension://kdpelmjpfafjppnhbloffcjpeomlnpah/https://www.emro.who.int/images/stories/occupational/documents/occupational\\_safety\\_and\\_health\\_in\\_egypt.pdf](chrome-extension://kdpelmjpfafjppnhbloffcjpeomlnpah/https://www.emro.who.int/images/stories/occupational/documents/occupational_safety_and_health_in_egypt.pdf)

<sup>7</sup> Электрон манба. URL: <https://www.positivedestinations.info/country-database/country/australia>.

Шунингдек, ОИВ инфекцияси билан боғлиқ ҳаракатланишга қўйилган чекловлар бўйича глобал маълумотлар базасига кўра, 19 та мамлакатда ОИВ аниқланган хорижий фуқароларнинг депортация қилиш тартиби мавжуд. Бундан ташқари 60 та мамлакатда эса узоқ муддатли виза, меҳнат рухсати, яшаш гувоҳномаси ва мамлакатда доимий яшашни назарда тутувчи бошқа ҳолатларда ОИВ инфекциясига тест топшириш мажбурий ҳисобланади<sup>8</sup>.

Юқоридаги таҳлилларга эътибор қаратилса, аксарият хорижий давлатлар 90 кундан ортиқ хорижда бўлиб қайтган фуқароларга ёки меҳнат қилиш ва яшаш учун келган фуқароларга ОИВга текширувдан ўтиш шарт этиб белгиланган. Нега айнан 90 кундан ортиқ муддат деган саволга жавоб топиш учун тиббиётга мурожаат қиламиз.

Серологик ойна даври — бу ОИВни юқтириб олган инсон организмида вирусга қарши антитаналар ҳали ҳосил бўлмаган, яъни қон тестлари вирусни аниқлай олмайдиган вақт оралиғидир<sup>9</sup>.

ОИВга тиббий текширув ўтказишда агар шахс **“серологик ойна”** даврига тўғри келса текширув натижасида агар шахс ОИВни юқтириб олган бўлса ҳам манфий (*сохта манфий*) натижа олинади. Шу сабабдан серологик ойна даврида бўлган шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас.

Серологик ойна даври: 2 ҳафтадан 3 ойгача бўлган даврни ташкил этади. Шахсларни 90 кундан кейин ОИВга тест топширсалар, натижалари 99 фоиз аниқликда чиқади<sup>10</sup>

Сўнгги йилларда ОИВ инфекцияси аниқланган мигрантлар билан ўтказилган эпидемиологик суриштирув натижасига кўра мигрантлар ОИВ инфекциясини 90 фоиздан ортиқ ҳолларда (2024 йилда 93,2 фоиз, 2023 йилда 92,3 фоиз, 2022 йилда 92,2 фоиз) жинсий йўл орқали юқтириб олганликлари аниқланган. Шунингдек, ОИВни миграцияда юқтириб олиш билан боғлиқ ҳолатлар орасида 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар қайд этилмаган. 60 ёшдан юқори шахслар орасида ОИВ инфекцияси аниқланиш кўрсаткичи паст (2024 йилда 3,7 фоиз, 2023 йилда 2,6 фоиз) даражани ташкил қилади.

Шунингдек, статистик маълумотлар таҳлиliga кўра, 2020 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда узоқ муддат хорижда бўлиб қайтган фуқароларда ОИВ инфекциясини юқтириш 38 фоизга кўпайганини кўришимиз мумкин.

Мигрантлар ўртасида ОИВ инфекциясининг тарқалиши асосан жинсий йўл билан тарқалаётганлигини инобатга олиб, фаол жинсий ёшдаги аҳоли гуруҳини ОИВ инфекциясига текшириш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ОИВ касаллиги билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг таҳлилларига кўра, ҳозирда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, узлуксиз тўқсон кун ва ундан ортиқ муддат давомида чет элда бўлиб қайтган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни инсон учун хавфли бўлган ОИВ инфекциясига мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш механизми мавжуд эмаслиги намоён бўлди.

<sup>8</sup> Электрон манба. URL: <https://www.positivedestinations.info/>.

<sup>9</sup> Электрон манба. URL: <https://www.webmd.com/hiv-aids/hiv-window-period>.

<sup>10</sup> <https://www.aidsmap.com/about-hiv/what-window-period-hiv-testing>

Юқоридаги таҳлиллардан кўриш мумкинки, сўнгги йилларда меҳнат миграцияси ҳажмининг ортиши, чет элларда бўлиб қайтаётган фуқаролар сонининг кўпайиши ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига кириб келиши мамлакатда инсон учун хавfli бўлган ОИВ инфекциясини барвақт аниқлаш ва олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Юқоридаги таҳлиллар асосида ОИВ касаллигини тарқалишини ва тарқалишига сабабчи бўлган асосий манбаларни олдини олиш мақсадида қўйидагиларни таклиф этамиз:

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ–353-сонли Қонунинг **15-модданинг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи** хатбошилар билан тўлдирилсин:

“узлуксиз тўқсон кун ва ундан ортиқ муддат давомида чет элда бўлиб қайтган ўн саккиз ёшдан олтамиш ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар”;

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августда қабул қилинган “**Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида**”ги ЎРҚ–393-сонли Қонунининг **35-моддаси** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, узлуксиз тўқсон кун ва ундан ортиқ муддат давомида чет элда бўлиб қайтган ўн саккиз ёшдан олтамиш ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган инсон учун хавfli бўлган ОИВ касаллигига мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилади”.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган “**Аҳоли бандлиги тўғрисида**”ги ЎРҚ–642-сонли Қонунинг **111-моддасининг ўн биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“ОИВ/ОИТС ва сил касалликларига тиббий текширувдан ўтганлик бўйича тегишли тиббиёт ташкилотлари томонидан берилган сертификат (маълумотнома) (касаллик аниқланган ҳолатларда).

Қонунчиликка таклиф этилаётган ушбу ўзгартишлар инсон учун хавfli бўлган ОИВ инфекциясининг тарқалишини олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, меҳнат миграцияси жараёнларида ижтимоий хавфсизликни таъминлаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.